

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АГРОНОМИЯ ВА ТУПРОКШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

5620200 –Агрономия (дехкончилик махсулотлари буйича)

5140900 – Касбий таълим (Агрономия)

5620100-Агрокимё ва агротупрокшунослик

«Гулчилик» фанидан

Лаборатория машгулотларни бажариш буйича ишланмасининг паспорти

Лаборатория машгулоти № 1

**МАВЗУ: 3- машгулот: Гулли ва манзарали усимликларни
кучириб утказиш (пикировка) усули билан танишиш (2 соат)**

Лаборатория машгулотларни бажариш учун тайёрланган Услубий курсатма Агрономия ва тупрокшунослик кафедрасида ва университет илмий кенгашида тасдикланди ва шу асосида дарс утишга рухсат берилди.

№ _____ « _____ » _____ 2010у.

Тузувчилар:

Х.Салимова
Р.Юнусов

Кафедра мудири к.х.ф.н., доцент

Р.ЮНУСОВ

Бухоро-2010

Лаборатория машгулоти № 3

Гулли ва манзарали усимликларни кучириб утказиш (пикировка) усули билан танишиш (2 соат)

Керакли жихозлар: Туваклар, манзарали усимлик кучати, куракча, кайчи, угит (минерал, махаллий).

Машгулотнинг мақсади: Очик ерда усимликларнинг нормал ривожланиши иссиқхона, яшик ва туваклардан усимликни доимий жойига кучиришда техник усулларни тугри бажаришга боғлиқдир. Кучириб утказишга жуда эҳтиёткорлик ва диққат билан ёндашиш зарур, акс холда бундаги хатолар юқори сифатли кучатни ҳам халок қилиши мумкин.

Иссиқхона ёки пикировка яшиқларида кучатларни кучиришдан 1-2 соат олдин купрок сугорилади. Бу эса илдиш тизимини саклашга йул беради, кучириб утказишда яхши сугорилган усимликлар тупрок булагини билан осон кучирилади, бу кучатларни тез тутиб кетиши учун жуда муҳимдир.

Кучатларни булутли кунда ёки эрталаб ва кечкурун кучириб утказиш мақсадга мувофиқдир. Экишдан олдин чуқурчалар ёки бир йула усимликлар экилгандан сунг сугорилади. Экиш учун чуқурчалар куракча билан хосил қилинади. Чуқурча улчами шундай булиши керакки, унга усимлик илдишлари осон ситиши зарур. Илдишнинг юқorigа ёки четга қайрилиши мумкин эмас. Илдиш тупрок билан қумилади. Бунда илдиш тизими ва усимлик атрофидаги тупрокнинг енгил босилишига эътибор бериш лозим. Усимликлар иссиқхона ёки яшиқларда усган чуқурликка тенг чуқурликларга экилади.

Усимликнинг клумбалар ёки рабаткаларга экишдан олдин расм контури белгиланади. Гуллар клумба ёки рабатка марказидан четларига томон экилади. Клумба ва гулдонларга усимликларнинг хар бири узлари учун белгиланган масофаларда экилади. Чунки усимликлар бир-бирин эзмадан тулик ривожланиши зарур. Кучатлар одатда эҳтиёждагидан 10-15 фоиз куп етиштирилади.

Агар усимликларни булутли кунда экиш шароити булмаса, ухолда экилгандан сунг даров уларга уриб олинган утлар, корарагайнинг кесилган шохлари билан соя хосил килинади.

Ойнавон бино ва хона усимликларини бошка идишга коида буйича бахорда (феврал-майгача) кучирилади. Одатда бунда ката туваклар олинади. Кучирилаётган усимликнинг чириган ёки шикастланган илдизлари, шунингдек, дренаж учун солинган сопол парчаси илдиз билан уралган булса олиб ташланади. Усимлик юмшатиш тупрокка экилади. Экишда тувакдаги дренаж тешикчаси сопол парчаси билан каварик томони юкорига килиб беркитилади. Ортикача намликни камайтириш учун йирик донали кум, сунгра 3-5 см калинликда шу усимлик учун мос келувчи озукавий тупрок солинади. Усимликнинг илдиз тизими жойланиб, унинг атрофига озукавий тупрок солинади ва зичланади. Тувакда тупрок сатхи усимлик экилгандан сунг тувак улчамига мос равишда унинг четларидаг 1-2,5 см паст булиши керак. Кучириб утказилган ва токчаларга жойлаштирилган усимликларни текис ват улик намланиши учун 2-3 усулда сугорилади. Алохида холларда кучириб утказишдан олдини усимликнинг ер усти кисмлари хам кесилади: эски барглар, синган ёки шикастланган шохчалар, новдалар ва хоказо.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Буриев Х.Ч., Абдурахмонов Л.А., Джананбекова А.Т. Гулчилик. Т., «Мехнат», 1999.
2. Джананбекова А.Т. Цветоводство (Текст лекции) Т., 2000.
3. Былов В.Н., Михайлов Н.Л., Сурина В.И. Розы. Итоги интродукции. М., «Наука», 1988.
4. Кияткин А.К. Цветы Узбекистана. Т., «Мехнат», 1978.
5. Сайт: <http://www.gardeniya.ru> Цветы и цветоводство.